



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ФАХРИЙЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИ ВА ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА МАЗКУР ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Юсупов Юсупжон Матназарович

Ўзбекистон республикаси ИИБ ММИваКБТД
Ёшлар иттифоқи етакчилар кенгаши раиси, майор
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17879441>

Ҳозирги кунда ички ишлар органлари тизимида минглаб фахрийлар (собик ходимлар) мавжуд бўлиб, уларнинг **78.5** фоизи **хизмат муддати** бўйича, **7,1** фоизи **ногиронлиги** бўйича пенсионер, **14,3** фоизи эса **боқувчисини йўқотганлиги** асосида нафақа олади. Ҳар йили ўртача **2 минг** нафардан ортиқ амалдаги **ходимлар пенсияга чиқади**.

Фахрийларнинг **722** нафари маҳалла (овул) фуқаролар йиғини **раиси**, **1** нафари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг **сенатори**, **23** нафари вилоят ва туман кенгашлари **депутати** ҳисобланади.

Шунингдек, турли вазирлик ва идораларда жами **4 800** нафардан ортиқ фахрийлар фаолият олиб бормоқда. Жамоат ташкилотлари фаолиятида иштирок этаётган фахрийлар эса **3 500** нафардан ортиқни ташкил этади.

Тизимдаги **241** та фахрийлар кенгашларида жами **2 145** нафар пенсионерлар кенгаш аъзолари сифатида фаол иштирок этмоқда. Ҳар бир мустақил бўлинмада алоҳида фахрийлар кенгашлари тузилган бўлиб, улар ҳудудий ички ишлар органлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Ички ишлар вазирлиги Фахрийлар кенгашининг бугунги кундаги фаолияти 2019-йил 1-ноябрдаги 352-сон буйруққа асосан ташкил этилган бўлиб, “хизматчи” штатидаги **раис** ва **котиб**, шунингдек, 20 та жамоатчилик асосидаги доимий аъзолардан иборат.

2023 йилдан буён ҳудудий Кенгашлар раислари бир вақтни ўзида ички ишлар органлари Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизматлари бошлиқларининг **маслаҳатчилари сифатида** фаолият олиб бормоқда.

Ўз навбатида, тизимдаги фахрийлар билан ўтган ярим йилликда турли маънавий-маърифий ва оммавий тарғибот тадбирлари тизимли равишда олиб борилмоқда.

Жумладан, республика миқёсида **1 282** маротаба “**Уч авлод учрашувлари**” ва “**Кексалар ўғити**” тадбирлари ташкил этилди.

фахрийлар ҳаракати ва жамоат ишларида фаол қатнашган пенсионерлардан **887** нафари **турли мукофотлар билан тақдирланди**.





Жумладан, улардан **208** нафарига ички ишлар органлари, **76** нафарига бошқа вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари, **603** нафарига фахрийлар кенгашларининг мукофотлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Касалхонада даволанаётган **420** нафар фахрийларнинг ҳолидан бевосита хабар олинди, **212** нафар фахрийларга уйда тиббий ёрдам кўрсатилиши таъминланди, **94** нафар фахрийларнинг юбилей туғилган кунлари нишонланди, фахрийлар учун **128** та туристик ва зиёрат саёҳатлари уюштирилди, **1 139** нафар фахрийларга моддий ёрдам кўрсатилди, фахрийлардан **2 500** нафардан ортиғи санаторий-курорт ва дам олиш масканларида соғлигини тиклади. **Оммавий ахборот воситаларида** фахрийлар фаолиятига оид **488** та чиқишлар амалга оширилди.


Жорий йилнинг 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда **9 май – “Хотира ва қадрлаш куни”** умумхалқ байрами муносабати билан депутатлар иштирокида очиқ мулоқот ва маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарори ва Ички ишлар вазирининг 2025 йил 24 мартдаги 118-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг **4-6 май кунлари Хоразм вилоятида “Ички ишлар органлари “Уч авлод” маслаҳат кенгашининг V республика илмий-амалий конференцияси”** ўтказилди.

Жами **100 нафар** фахрийлар ва ёшлар етакчилари Давлат раҳбари томонидан белгиланган устувор вазифалар асосида **4 та гуруҳга** ажралган ҳолда Хоразм вилоятининг **8 та туманига** ташриф буюриб, ижтимоий, маънавий-маърифий ва бошқа йўналишлардаги амалий тадбирларда бевосита иштирок этишди. **Жумладан:**

- Давлат раҳбари ташриф буюрган **“Истиқлол”, “Комилжон ота”, “Оёқбоғ”** маҳаллаларида фаолият олиб бораётган **“еттилик”** билан учрашилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйича **“Хоразм тажрибаси”** ўрганилди;

- туманлардаги **2 та** умумий, **1 та** ихтисослаштирилган ва **1 та** ҳарбий ўрта-махсус **таълим муассасаларидаги ёшлар**, шунингдек, ички ишлар органларининг ёш ходимлари билан учрашилиб, **“Раҳбар ва ёшлар”, “Кексалар ўгити”, “Устоз билан учрашув”** тадбирлари ташкил этилиб, бир гуруҳ намунали ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди;





- ички ишлар органлари томонидан **оталиққа олинган ёшлар**, жумладан **муқаддам судланган, профилактик ва пробация ҳисобида** турувчи ёшлар билан **“яккама-якка”** форматда суҳбатлар ўтказилиб, таклиф ва муаммолар ўрганилди, бунда фахрийлар томонидан ҳудудий масъулларга тегишли **тавсия ва тушунтиришлар берилди**;

- кўп йиллар давомида **ички ишлар органларида хизмат қилган пенсионерларнинг** ҳолидан ёшлар билан биргаликда хабар олинди;

- Урганч шаҳар марказидаги **“Жалолиддин Мангуберди”** ёдгорлик мажмуаси пойига фахрийлар ва ёш ходимлар иштирокида **тантанали гулчамбар қўйиш маросими ўтказилди**;

- **“Маънавият маршрути”** доирасида фахрийлар ва ёшларнинг вилоятдаги **музейлар, маданият ва туристик масканлар, зиёрат қадамжоларига** ташрифи, шунингдек **“Саломатлик учун 5 000 қадам” спорт акцияси** амалга оширилди.

Бундан ташқари, Урганч шаҳридаги **“Ёшлар маркази”**да **280 нафар** фахрийлар ва ёшлар иштирокида **“Уч авлод”** маслаҳат кенгашининг **V республика илмий-амалий конференцияси** ўтказилиб, унда:

- ўтган даврда фахрийлар ва ёш ходимлар билан ишлаш йўналишида **эришилган натижалар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар** таҳлил қилиниб, **келгуси режа ҳамда вазифалар** белгилаб олинди;

- жамоатчилик асосидаги **“фахрийлар фонди”**ни ташкил этишни назарда тутувчи **ҳудудий амалиётлар** бўйича маълумот берилди;

- пенсионерларнинг ёш ходимларга **“фахрий мураббий маслаҳатчи”** сифатида устозлик қилишини назарда тутувчи **“Хоразм тажрибаси”** бўйича видеоқўлланма асосида мастер-класс ўтказилди;


- Ички ишлар вазирининг тегишли буйруғига мувофиқ, **бир гуруҳ фахрийлар ва ёш ходимлар идоравий мукофотлар билан тақдирланди.**

Шунингдек, конференция якунида:

- хизматга янги қабул қилинган ёш ходимларга бириктирилган мураббийлар фаолияти, тўланаётган устама ҳақларнинг самарадорлигини **танқидий кўриб чиқиш**;

- ҳар бир ҳудуддан моддий, тиббий, ижтимоий ва бошқа жиҳатдан **энг ёрдамга муҳтож ёш ходимларни Вазирлик раҳбариятининг фармойиши асосида** қўллаб-қувватлаш;

- жиноий жавобгарлик бўйича тергов ва суд жараёнига жалб этилиб, айбдорлик масаласи **шубҳали бўлган ёш ходимларни ҳуқуқий ҳимоя** қилиш мақсадида, тажрибали фахрийларни **“жамоатчи ҳимоячиси”**





сифатида жалб этиш, **“жамоа кафиллиги”, “шахсий кафиллик”** каби процессуал инструментлардан амалиётда самарали фойдаланиш борасида бир нечта **таклифлар билдирилди.**

Бироқ, фахрийлар билан ишлашда бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги таҳлил қилинганда, бу борадаги айрим идоравий ҳужжатларни **янгилаш зарурати юзага келганлиги** маълум бўлди.

Мисол учун, фахрийлар кенгашлари низомида унинг раиси ва аъзоларини сайлаш тартиби, фаолият муддатлари, иш юритиш ҳужжатлари шакллари **аниқ белгиланмаган.**

Айрим ҳудудий фахрийлар кенгашлари томонидан алоҳида нодавлат нотижорат ташкилотлари шаклидаги жамоатчилик тузилмаларини ташкил этиб, ҳудудий адлия бўлинмаларидан рўйхатдан ўтиш амалиёти ҳам шаклланган. Ўз навбатида, мазкур ННТларнинг низомлари ваколатли органлар томонидан **рўйхатдан ўтказилганлиги** сабабли, уларнинг ташкил этилиши ва фаолият юритишини **қонуний деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.**

Шунингдек, айрим ННТ Низомларида унинг фаолият йўналишлари ва функциялари ИИБ ҳамда унинг **Фахрийлар кенгашлари билан бир хиллиги** сабабли, нодавлат ташкилот тўғридан-тўғри **давлат функцияларини бажаришни ўз зиммасига олганлигини** кўриш мумкин.

Низомда ННТ ҳудудий **ИИБ буйруқларини тан олишини** кўрсатган бўлса-да, бироқ ИИБ олдида ҳисоб бермаслиги ва жавобгар эмаслиги белгиланган, ўз навбатида, ННТ давлат ташкилотининг ички идоравий буйруқларини **тўғридан-тўғри тан олиши мумкин эмас.**

Шунингдек, **тадбиркорлик билан** шуғулланиши мумкин бўлган фахрийлар ННТларига **бир вақтни ўзида** ҳудудий ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси бошчилик қилиши **манфаатлар тўқнашувига** сабаб бўлиши мумкин.

Бироқ, пенсионерларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ўз-ўзини моддий қўллаб-қувватлаши ва давлат кўмагисиз турли ижтимоий, маданий ҳамда бошқа турдаги тадбирларни мустақил амалга оширишлари **Давлат бюджетига бўлган юкломани, шунингдек пенсионерларнинг моддий ёрдам кўрсатиш борасидаги мурожаатларини камайишига** сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олиб, фахрийлар билан ишлаш борасида **“Наманган тажрибаси”, “Қорақалпоғистон тажрибаси”, “Хоразм тажрибаси”** каби амалиётларни республика миқёсида татбиқ этиш масаласини ижобий жиҳатдан кўриб чиқиш тавсия этилади.

